

**“ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг қарори**

Тошкент шаҳри
Навоий кӯчаси, 38-уй.

2022 йил “99” ноябрь

“Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти томонидан муомалага чиқарилган 2 301 392 924 315 дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акция пакети жамият ягона акциядори – “Узкимёсаноат” АЖга тегишли бўлганлиги сабабли кворум 100 фоизни ташкил қилади.

Ушбу қарор Узбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 58-моддаси ва жамият Уставига мувофиқ 2022 йилнинг “99” ноябрь куни якка тартибда қабул қилинди ва ёзма шаклда расмийлаштирилди.

КУН ТАРТИБИ:

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноат ва ахборот технологиялари соҳасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича биринчи ўринбосарини тайинлаш.

Узбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) 59-моддасига асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киради.

“Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноат ва ахборот технологиялари соҳасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича биринчи ўринбосари вазифасига заҳира кадр сифатида жамиятнинг “Ишлаб чиқариши мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи-ишлаб чиқариш бўйича бош мутахассис” вазифасига ишлаб келаётган Зарипов Тўлқин Эргашевич номзоди киритилган (Т. Зариповнинг таржими ҳоли, меҳнат фаолияти ва заҳира маълумотлари ҳамда вазифага тайинлаши тўғрисидаги аризаси илова қилинади).

Кун тартибидаги масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

1. Зарипов Тўлқин Эргашевич 2022 йил 24 ноябрь кунидан “Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамиятининг ижроия орган аъзоси – бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноат ва ахборот технологиялари соҳасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинлансан ва у билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилсин.

2. Жамият номидан Зарипов Тўлқин Эргашевич билан меҳнат шартномасини (шартноманинг амал қилиш муддати – 2025 йил 1 июлга қадар) имзолаш ваколати жамият Кузатув кенгashi раиси О. Темировга берилсин.

3. Т. Зариповга тўланадиган иш ҳақлари “Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти “Бошқарув аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш ҳамда бошқарув ва назорат органларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисида”ги низом асосида тўлаб борилсин.

4. Жамият бошқаруви раиси в.б. (Усаров):

- биринчи ўринбосар лавозимига кадрлар захирасини янгиласин ва 2022 йилнинг 15 декабрь кунига қадар “Узкимёсаноат” АЖга тақдим этсин;

- заҳирани шакллантиришда салоҳиятли ва иқтидорли мутахассисларни жалб қилиниши таъминлансан;

- мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб, Қимматли қофозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари талабларидан келиб чиқиб, тегишли маълумот (муҳим факт)ларнинг ўрнатилган тартибда ошкор қилиниши таъминлансан.

**Жамиятнинг ягона акциядори
“Узкимёсаноат” АЖ номидан
бошқарув раиси в.в.б.**

Е. Коржиков

(Зиниров)

(Геллерев)

(Армандов)
(Муродов)
(Маджидов)
(Рахимов)
(Маджидов)
(Рахимов)

